

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СЕЙТИМБЕТОВА ЗИБАХАН АБДИГАНИЕВНА

**УНИВЕРСАЛ СЕРВИС МАРКАЗИНИНГ РАЦИОНАЛ ЖОЙЛАШИШ
ВА ИШЛАШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини
ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ГУЛБАҲОР – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Сейтимбетова Зибакан Абдиганиевна

Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ва ишлаш
параметрларини асослаш (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

Сейтимбетова Зибакан Абдиганиевна

Обоснование параметров рационального расположения и
функционирования универсального сервисного центра (на примере
Ташкентской области)..... 19

Seytimbetova Zibahan Abdiganievna

Justification of the parameters of the rational location and functioning of the
universal service center (for example, the Tashkent region)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

СЕЙТИМБЕТОВА ЗИБАХАН АБДИГАНИЕВНА

**УНИВЕРСАЛ СЕРВИС МАРКАЗИНИНГ РАЦИОНАЛ ЖОЙЛАШИШ
ВА ИШЛАШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ
(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини
ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ГУЛБАҲОР – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т.16.72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошболтаев Махамад Тожалиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамшетов Сарсенбай Нуратдинович
техника фанлари доктори, профессор

Толибаев Алписбай Ержанбаевич
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «5» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (438 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz). Диссертация автореферати 2020 йил «27» июль куни тарқатилди.

(2020 йил 27 июлдаги № ... рақамли реестр баённомаси).



А.Тўхтақўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

А. Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.Тўхтақўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида трактор, комбайн, пахта териш машинаси каби мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига техник сервис (ТС) кўрсатиш ривожланган давлатлар иқтисодиётининг мустақил тармоғи ҳисобланади. Бу давлатларда машиналар таъмири ва уларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) билан шуғулланувчи сервис, дилерлик корхоналарининг йиллик умумий обороти машинасозлик фирмалари, компаниялари томонидан бир йилда ишлаб чиқарилган жами янги машиналар баҳосидан 3-5 марта юқори бўлади. Чунки фермер хўжаликлари, агрокластерлар каби маҳсулот етиштирувчи минглаб субъектлар ўз машиналарининг техник ҳолатини юқори даражада сақлаб туриш мақсадида сервис корхоналарига агротехник мавсумлар бошланишидан анча олдин буюртмалар берадилар.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида машиналарга ТС кўрсатиш самарасини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ТС ижрочилари (сервис корхоналари, техник марказлар, дилерлик пунктлари)нинг рационал шаклини танлаш, уларнинг функцияланиш параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни бажариш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан фермер истакларига жавоб берадиган, хизматлар тезлиги ва сифати юқори, баҳолари арзон сервис марказларини ташкил этиш заруратидек долзарб масала пайдо бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш"¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан "Иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш"да республиканинг ҳар бир вилоятида мавжуд бўлган техникалар сони ва уларнинг туманлар бўйича тақсимланиши, максимал сервис тезкорлиги, минимал хизмат харажати мезонларидан келиб чиққан ҳолда хорижий ва маҳаллий мураккаб машиналарга бирдек хизмат кўрсатадиган универсал сервис марказларини шакллантириш, уларни зарур моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон "Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон "Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон

"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

ва кўрсатмаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида ТС системасини такомиллаштириш, унинг структураси ва моддий-техника базасини асослаш, сервис корхоналарининг рационал сони ва жойлашиш ўринларини аниқлаш, иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва ривожланиш тамойилларини белгилаш бўйича хорижда В.И.Черноиванов, П.В.Привалов, П.А.Андреев, В.М.Баутин, В.Ю.Грицык, А.Э.Северный, В.М.Михлин, Ю.М.Ельдештейн, В.В.Варнаков, А.В.Макаров, А.В.Горетый, Ю.А.Симарев, С.М.Бабусенко, И.С.Левитский, А.В.Ленский ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишларда Ўзбекистонда Ю.И.Наумов, Б.А.Чернов, Ш.У.Йўлдошев, Ш.Шообидов, Қ.Шарипов, К.Нуриев, С.Шамшетов, Р.Рустамов, Н.Холиқова ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини бажаришган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида шакллантирилган ғоялар, таклифлар ва тавсиялар ТС системасида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо бу тадқиқотларда ҳар бир ҳудуддаги техника воситаларининг миқдорлари ва тарқалиш интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда ҳам хорижий, ҳам маҳаллий машиналарга бирдек сифатли ТС кўрсата оладиган ҳудудий универсал сервис марказларини ташкил этиш, уларнинг самарасини оширишни таъминлайдиган параметрларни асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти тадқиқот режаларининг ҚХ-4Ф-07 “Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник хизмат кўрсатиш системасини яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқиш” (2007-2011) ва ҚХФ-2-001 “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш даражасини ошириш, машинасозлик корхоналарида уларни энергия-ресурстежамкорлик йўналишларида такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари ва оптимал моделларини ишлаб чиқиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаларнинг ғоялари ва тавсиялари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади барча турдаги мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарига сифатли ТС кўрсата оладиган универсал сервис марказини ташкил қилиш, унинг рационал жойлашиш ўрни ва ишлаш параметрларни асослаш орқали Ўзбекистоннинг муайян ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва агрокластерларга ТС кўрсатиш самарасини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий давлатлар ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амал қилаётган техник сервис системаси ҳолатини ва ишлаш параметрларини таҳлил этиш;

универсал кўчма устахонанинг рационал хизмат кўрсатиш радиуси ва

бандлик даражасини аниқлаш;

универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ўрни, ишлаш параметрлари, хизмат кўрсатиш базаси ва технологик қурилмалар таркибини асослаш;

универсал сервис марказининг самарасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятидаги қишлоқ хўжалиги машиналарининг таркиби ва миқдорлари, универсал сервис маркази, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказлари, туман “Агросервис МТП” корхоналари, уларнинг жойлашиш ўринлари, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети универсал кўчма устахонанинг хизмат кўрсатиш радиуси, сервис марказларининг ҳудудлар кесимида жойлашиш координаталари, саккиз каналли сервис системасининг графи, битта носозликни тузатишга сарфланган ўртача вақт, бир соат давомида юзага келган талаблар сони, кўчма ва кўчмас устахонанинг бандлик даражаси каби параметр ва кўрсаткичлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик кузатув, ахборотлар синтези ва анализи, қиёсий таҳлил, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, олий математика ва назарий механиканинг қоидаларидан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш фанларидаги усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

универсал кўчма устахонанинг рационал хизмат кўрсатиш радиуси сервис вақтининг минимуми мезони ёрдамида аниқланган;

универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ўрни ва ишлаш параметрлари кўчма устахона босиб ўтадиган йўлни қисқаришини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

саккиз каналли биринчи Универсал сервис марказининг графи ва ҳолатлари талаблар сони ва кўчма устахонанинг бандлик даражалари асосида қурилган;

устахоналарнинг эҳтимолий-статистик моделлари уларнинг бандлик даражалари асосида олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

универсал сервис маркази, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказлари Тошкент вилояти ҳудуди бўйлаб пахта етиштирадиган ва етиштирмайдиган туманлар кесимида рационал жойлаштирилган;

универсал сервис марказининг хизмат кўрсатиш базаси ва технологик қурилмалар таркиби асосланган;

носозликларни бартараф этишда кўчма устахона босиб ўтадиган йўл масофасининг қисқариши эвазига сервис маркази оладиган фойда миқдорини аниқлаш усули таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сервис марказлари параметрларини назарий жиҳатдан асослашда оммавий хизмат кўрсатиш фани, олий математика ва назарий механиканинг қоида ва усулларига амал қилинганлиги, рационал сервис марказининг самараси амалдаги марказларга қиёслаш орқали аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти машиналарга кўрсатилаётган техник хизмат самарасини сервис марказларини рационал жойлаштириш ва кўчма устахоналар босиб ўтиши лозим бўлган йўл масофаларини қисқартириш ҳисобига ошириш имкониятларини ифодаловчи боғланишлар олинганлиги, бу боғланишлар ва таклиф этилган эҳтимолий-статистик моделлардан бошқа турдаги сервис корхоналарини танлаш ва баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Универсал сервис марказини ташкил этиш, унинг жойлашиш ўрни ва ишлаш параметрларини рационаллаштириш орқали фермерлар ва агрокластерлар балансидаги машиналарга кўрсатиладиган ТС самарасини ошириш имкониятлари яратилганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ва ишлаш параметрларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда универсал сервис марказларини ташкил этиш, рационал жойлаштириш, таъмирлаш – хизмат кўрсатиш базасининг таркибини танлаш, хорижий техникаларга фирмавий сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир тавсиялар “Ўзагросервис” АЖ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги маълумотномаси). Натижада кўчма устахоналар томонидан 45-86,5 км йўл масофасини тежаб қолиш имконияти яратилган;

биринчи ва иккинчи универсал сервис марказларини ташкил этиш, уларни Эскиолимкент ва Қирғизовул кўрғонларида жойлаштириш, стационар ва кўчма устахоналарнинг технологик лойиҳалари ва жиҳозларини танлашга доир илмий натижалар “ТошкентАгросервис МТП” МЧЖ томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги маълумотномаси). Натижада битта талабни кондиришда кўчма устахоналар томонидан 49-94 минут вақт тежаб қолинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти та боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги ва унинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади,

вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳамда ишончилиги очиб берилган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши, уларнинг апробацияси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амал қилаётган техник сервис системаси”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида техник сервис системасининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган, рационал техник сервис корхонасини шакллантириш ва хизматлар бозорида функцияланиш методикалари келтирилган, техник сервис системасининг рационал ишлаш параметрларини аниқлаш методлари ёритилган, техник сервис корхонасини рационал жойлаштириш параметрларини аниқлаш усулларига доир адабиётлар ўрганилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Тадқиқотнинг **“Тошкент вилоятидаги мавжуд қишлоқ хўжалиги машиналарининг таркиби ва миқдорлари”** деб аталувчи иккинчи бобида вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг структураси, уларни парваришlashда қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарининг таркиби, русумлари ва миқдорлари аниқланган; пахта етиштирадиган ва етиштирмайдиган туманлардаги мавжуд қишлоқ хўжалиги машиналарининг таркиби, русумлари ва миқдорлари каби диссертациянинг бирламчи материаллари шакллантирилган.

Тошкент вилоятидаги 15 та туман шартли равишда 9 та пахта экадиган (Чиноз, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ, Пискент, Юқоричирчиқ ва Бекобод) ва 6 та пахта экмайдиган(Қибрай, Паркент, Зангиота+Тошкент, Бўстонлик, Оҳангарон) туманларга ажратилган. Чунки пахта етиштирмайдиган туманларда пахтачилик машиналари умуман йўқ, ғаллачилик, озуқа ва сабзаёт-боғдорчилик техникаларининг улуши катта.

2019 йил ҳолатига вилоятда 18697 дона қишлоқ хўжалиги техникалари мавжуд. Пахта экадиган туманлар кесимида жами 12732 та: Чиноз – $m_1=1108$, Қуйичирчиқ – $m_2=1085$ та, Янгийўл – $m_3=1194$ та, Оққўрғон – $m_4=1661$ та, Бўка – $m_5=2165$ та, Ўртачирчиқ – $m_6=1701$ та, Пискент – $m_7=1339$ та, Юқоричирчиқ – $m_8=1045$ та, Бекобод – $m_9=1434$; пахта экмайдиган туманлар кесимида жами 5965 та: Қибрай – $m_{10}=1314$ та, Паркент – $m_{11}=791$ та, Зангиота (768 та)+Тошкент (680 та) – $m_{12}=1448$ та, Бўстонлик – $m_{13}=965$ та, Оҳангарон – $m_{14}=1447$ та.

Қишлоқ хўжалиги техника паркида тракторлар улуши баланд (пахта етиштирадиган туманларда 57,5%, пахта етиштирмайдиган туманларда 42,5%).

Конструктив жиҳатдан мураккаб қишлоқ хўжалиги машиналарининг миқдорлари: ғалла комбайни-428 дона, пахта териш машинаси-128 дона, озуқа комбайнлари-83 дона, дори пуркагичлар-582 дона.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд техника воситаларининг русумлари ва миқдорлари бўйича шакллантирилган маълумотлардан уларга техник сервис кўрсатувчи сервис марказлари ва пунктларининг вилоят худудлари бўйича рационал жойлашиш ўрнини аниқлаш, уларнинг таъмирлаш-хизмат кўрсатиш

базалари ва технологияларини танлаш масалаларини ечиш, кўчма устахоналар параметрларини асослаш, машиналарни соз ҳолатда ушлаб туриш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг таркиблари ва ҳажмларини башоратлашда бирламчи манба сифатида фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида техник сервис кўрсатишнинг амалдаги тизими”** деб номланувчи учинчи бобида “Тошкент-Кейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказлари ҳамда республика туманларидаги “Агросервис МТП” лар томонидан кўрсатилаётган механизация хизматлари ва техник сервиснинг, шу жумладан фирмавий техник сервиснинг ҳозирги ҳолати тадқиқ этилган, тизимдаги мавжуд камчиликлар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.


Тошкент вилоятида амал қилаётган ТС системасининг структурасидан (1-расм) кўришиб турибдики, вилоят фермер хўжаликлари балансидаги 1359 дона хорижий “Магнум”, “Арион” тракторлари, “Кейс”, “Доминатор” ғалла комбайнларига “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказлари, МТЗ, ТТЗ тракторлари, пахта териш машиналари каби 1000 дона техникага туманлардаги “Агросервис МТП”лар томонидан сервис кўрсатилмоқда. Демак, жами бўлиб 2359 дона техника сервисга тортилган. Мавжуд 16338 дона (18697-2539) ёки 87% машина сервисдан четда қолмоқда.

Чунки, вилоят фермер хўжаликлари ва туман “Агросервис МТП”лар балансидаги “КейсНьюХолланд” компаниясининг техника воситаларига ФТС кўрсатаётган “ТошкентКейссервис” марказининг жойлашиш ўрни (Қорасув шаҳарчаси, Ўртачирчиқ тумани) априор тарзда ҳеч қанақа илмий мезонга таянмасдан танланган. Шу боис 15 та тумандан 8 таси – Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Оқкўрғон, Қуйичирчиқ ва Чиноз туманлари илмий асосланган $R_c \leq 40$ км радиус ташқарисида қолиб кетган.



1-расм. Тошкент вилоятида амал қилаётган техник сервис системасининг структураси

“ТошкентКлаассервис” маркази Тошкент шаҳрида жойлашгани туфайли Бўстонлик, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Қуйичирчиқ ва Чиноз туманларидаги буюртмачилар СМдан 78-120 км узоқликда ётади (2-расм).



2-расм. Тошкент вилояти туманларининг энг чекка хуудларидаги фермер хўжаликларининг “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказларига нисбатан жойлашиш ҳолатлари

Марказларнинг кўчма устахоналари йўл босишнинг ўзигагина 3,7-4,36 соат вақт сарфланмоқдалар. Натижада транспорт харажатлари кўпаймоқда, сервис баҳоси ошиб, буюртмачилар сони камайиб кетмоқда.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун “ТошкентКейссервис” ва “Тошкент Клаассервис” марказларининг рационал жойлашиш ўринларини кўчма устахоналар босиб ўтадиган йўл харажатларининг минимуми мезони асосида аниқлаш таклиф этилади.

“Агросервис МТП” лардаги умумий таъмирлаш устахоналарини замонавий диагностика, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналари, чиниқтириш стендлари билан тўла таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Худудий сервис марказларининг рационал жойлашиш ўринлари ва ҳолатларининг параметрларини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобида универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ўрни, унинг таркибидаги кўчама устахоналарнинг рационал хизмат кўрсатиш радиусини асослаш, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” корхоналарини вилоят хуудлари бўйлаб жойлашиш координаталарини ҳисоблаш, саккиз каналли сервис системаси ҳолатларининг графини куриш ва параметрларини аниқлашга доир назарий-статистик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Кўчма устахонанинг рационал хизмат кўрсатиш радиусини $[T_y]$ мезони асосида аниқлаш ифодаси:

$$R_c \leq 0,5\bar{V}_y \{ [T_y] - (\bar{t}_T + \bar{t}_e + \bar{t}_n) \},$$

бунда \bar{t}_T - операторнинг талаби комбайн бузилганидан бошлаб, то СМ диспетчерига тушгунича кетган ўртача вақт (0,17 соат);

\bar{t}_e - кўчма устахонанинг туман марказидан даладаги носоз комбайн олдиған етиб бориш учун сарфлаган ўртача вақти (0,49 соат);


\bar{t}_n - носозликни жойида бартараф этиш учун механик томонидан сарфланган ўртача вақт (0,88 соат);

$[T_y]$ – машинадаги битта носозликни бартараф этишга сарфланадиган вақтнинг рухсат этилган қиймати (3 соат);



\bar{V}_y – кўчма устахонанинг ўртача ҳаракат тезлиги (55 км/соат).

Формуладан: $R_c = 40$ км.

Универсал сервис марказлари жойлашиши ўринлари (C_1, C_2) нинг X_1, O_1, Y_1 ва X_2, O_2, Y_2 саноқ системасига нисбатан координаталарини аниқлаш усуллари.



Тошкент вилояти
Масштаб 1:500 000



$$X_C = \frac{x_1 m_1 + x_2 m_2 + \dots + x_i m_i + \dots + x_n m_n}{m_1 + m_2 + \dots + m_i + \dots + m_n};$$

$$Y_C = \frac{y_1 m_1 + y_2 m_2 + \dots + y_i m_i + \dots + y_n m_n}{m_1 + m_2 + \dots + m_i + \dots + m_n}.$$

3-расм. Сервис маркази рационал жойлашадиган С нуктанинг координаталарини “Шартли оғирлик маркази” қоидаси билан аниқлаш схемаси

Универсал сервис марказларининг жойлашиши ўринларини аниқлаш.
Биринчи УСМ: $C_1 (X_{c1}, Y_{c1})$.

1-жадвал

**Пахта етиштирувчи туманлардаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг
сонлари ва туман марказларининг координаталари**

Туманлар	m_i , дона	x_i , мм	y_i , мм
Чиноз	1108	28	94
Куйичирчиқ	1085	53	73
Янгийўл	1194	56	115
Оққўрғон	1661	59	48
Бўка	2165	90	28
Ўртачирчиқ	1701	115	107
Пискент	1339	142	55
Юқоричирчиқ	1045	143	132
Бекобод	1434		

$$X_{c1} = \frac{\sum_{i=1}^8 x_i m_i}{\sum_{i=1}^8 m_i} = 87 \text{ мм}; \quad Y_{c1} = \frac{\sum_{i=1}^8 y_i m_i}{\sum_{i=1}^8 m_i} = 75 \text{ мм}.$$

$C_1 (87, 75)$ Оққўрғон тумани
Эскиолимкент қўрғони

Иккинчи УСМ: $C_2 (X_{c2}, Y_{c2})$.

2-жадвал

**Пахта етиштирмайдиган туманлардаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг
сонлари ва туман марказларининг координаталари**


Туманлар	m_i , дона	x_i , мм	y_i , мм
Қибрай	1314	25	74
Паркент	791	75	41
Зангиота + Тошкент	1448		
Бўстонлик	965		
Оҳангарон	1447		

$$X_{c2} = \frac{\sum_{i=1}^2 x_i m_i}{\sum_{i=1}^2 m_i} = 44 \text{ мм}; \quad Y_{c2} = \frac{\sum_{i=1}^2 y_i m_i}{\sum_{i=1}^2 m_i} = 62 \text{ мм}.$$


$C_2 (44, 62)$ Паркент тумани
Қирғизовул қўрғони

Ҳисобий координаталар марказлари 4-расмда келтирилган.

Биринчи УСМ:



Иккинчи УСМ:



4-расм. Универсал сервис марказларининг жойлашиш ўринлари (C₁, C₂) ва туманларнинг географик марказлари (m_i) орасидаги масофалар

Биринчи ва иккинчи “ТошкентКейссервис” марказларининг жойлашиш нуқталари координаталарининг қийматларини ҳисоблаш.

Биринчи СМ: C₁ (X_{c1}, Y_{c1})

3-жадвал

Пахта етиштирувчи туманлардаги “Кейс” компанияси қишлоқ хўжалиги техникаларининг сонлари ва туман марказларининг координаталари

Туманлар	m _i , дона	x _i , мм	y _i , мм
Чиноз	25	28	94
Куйичирчик	89	53	73
Янгийул	23	56	115
Оккўрғон	96	59	48
Бўка	53	90	28
Ўртачирчик	53	115	107
Пискент	29	142	55
Юқоричирчик	36	143	132
Бекобод	37		

$$X_{c1} = \frac{\sum_{i=1}^8 x_i m_i}{\sum_{i=1}^8 m_i} = 80 \text{ мм}; \quad Y_{c1} = \frac{\sum_{i=1}^8 y_i m_i}{\sum_{i=1}^8 m_i} = 73 \text{ мм.}$$

C₁ (80, 73) Оккўрғон тумани
Сувти қишлоғи

Иккинчи СМ: $C_2 (X_{c2}, Y_{c2})$

4-жадвал



Пахта етиштирмайдиган туманлардаги “Кейс” компанияси қишлоқ хўжалиги техникаларининг сонлари ва туман марказларининг координаталари

Туманлар	m_i , дона	x_i , мм	y_i , мм
Қибрай	32	25	74
Паркент	10	75	41
Зангиота +Тошкент	25		
Бўстонлик	14		
Оҳангарон	23		

$$X_{c2} = \frac{\sum_{i=1}^2 x_i m_i}{\sum_{i=1}^2 m_i} = 37 \text{ мм}; \quad Y_{c2} = \frac{\sum_{i=1}^2 y_i m_i}{\sum_{i=1}^2 m_i} = 66 \text{ мм.} \quad C_2 (37, 66) \text{ Қибрай шаҳарчаси}$$


Биринчи “ТошкентКейссервис”:

Иккинчи “ТошкентКейссервис”:



5-расм. “ТошкентКейссервис” марказларининг жойлашиш ўринлари (C_1, C_2) ва туманларнинг географик марказлари (m_i) орасидаги масофалар


“ТошкентКлаассервис” марказининг координаталари қийматлари юқоридаги қоидалар ёрдамида ҳисобланди (6-расм)



6-расм. “ТошкентКлаасервис” марказининг жойлашиш ўрни (С) ва пахта етиштирадиган туманларнинг географик марказлари (m_i) орасидаги масофалар

4-6 расмлардан кўришиб турибдики, вилоят туманларининг асосий қисми $R_c=40$ км радиус ичида жойлашган. Бу радиусдан ташқарида ётган туманларда кўшимча равишда техник сервис пунктларини ташкил этиш тавсия этилади.

Биринчи универсал сервис маркази таркибидаги 8 та кўчма устахонанинг бандлик шартлари.



7-расм. Саккиз каналли техник сервис системаси ҳолатларининг графи:
 $S_0...S_8$ – системанинг ҳолатлари: $0...8$ – системага тушган талаблар сони; $1...8$ – банд кўчма устахоналар сони; μ – битта кўчма устахонанинг иш унуми; λ – талаблар оқимининг ўртача интенсивлиги.

Банд кўчма устахоналар сонини аниқлаш формуласи:

$$n_o = \lambda \bar{t}_y. \lambda = 0,869 \text{ (талаб/соат)да} \quad n_o = 0,869 \bar{t}_y. \bar{t}_y = 1,15 \text{ соат} \quad \text{бўлганда}$$

$$n_o = 1 \text{ дона; } \bar{t}_y = 4,14 \text{ соатда} \quad n_o = 3,6 \approx 4 \text{ дона.}$$

Демак, битта носозликни тузатиш учун 1,15 соат сарфлашга эришилса 1 та устахона етарли, $\bar{t}_y = 4,14$ соат бўлганда 4 та устахона талаб этилади. \bar{t}_y нинг ошиши билан n_o тўғри чизик қонуни билан ошиб боради.

“Универсал сервис марказининг хизмат кўрсатиш базаси ва технологик қурилмалари таркибини асослаш” деб номланувчи бешинчи бобда универсал сервис марказининг хизмат кўрсатиш базаси ва технологик қурилмаларнинг таркиби асосланган. Ҳам хорижий, ҳам маҳаллий машиналарга бирдек сифатли техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида стационар сервис корхонасининг технологик лойиҳаси танланган, унинг таркибида

замонавий тракторлар, ғалла комбайнлари ва пахта териш машиналарига сервис кўрсатувчи ва таъмирловчи махсус участкаларни ташкил этиш ва улар учун ускуналар таркибини асослашга доир амалий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

“Тошкент вилояти ҳудудларига рационал жойлаштирилган “Тошкент-Кейссервис”, “ТошкентКлаассервис” ва универсал сервис марказларининг самарасини баҳолаш” деб номланган олтинчи бобда Тошкент вилояти ҳудудлари бўйлаб рационал жойлаштирилган Универсал сервис маркази, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” корхоналарининг фаолият самарасини баҳолаш бўйича бажарилган иқтисодий ҳисоб-китобларнинг натижалари келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Универсал сервис, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” марказларини рационал жойлаштириш ҳисобига олинadиган самара кўрсаткичлари

Рационал сервис марказининг номи	Битта талабни қондиришда кўчма устахона томонидан	
	олинadиган соф фойда, сўм	тежаб қолинadиган вақт қиймати, минут
Биринчи Универсал сервис маркази	103800	94
Иккинчи Универсал сервис маркази	54000	49
Биринчи “ТошкентКейссервис” маркази	9300	9
Иккинчи “ТошкентКейссервис” маркази	54000	49
“ТошкентКлаассервис” маркази	32100	29

ХУЛОСА

“Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ва ишлаш параметрларини асослаш (Тошкент вилояти мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тошкент вилоятида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг структураси, фермер хўжаликлари ва агрокластерлар балансидаги техника воситаларининг таркиби ва “ТошкентКейссервис”, “ТошкентКлаассервис” марказлари ва туман “Агросервис МТП”лар томонидан уларга кўрсатиладиган техник сервиснинг амалдаги ҳолати техник хизмат ва таъмирлаш ишларининг салмоғи ва сифатини ошириш, харажатларини камайтириш мақсадида ҳудудий универсал сервис марказини ташкил этиш ва унинг ишлаш параметрларини асослашга доир илмий масалани ҳал этиш долзарблигини кўрсатмоқда.

2. Кўчма устахонанинг рационал хизмат кўрсатиш радиуси, бўшлиқ ва бандлик даражалари, носоз машиналарни навбатга туришни рад қилиш эҳтимолликларини ифодаловчи эҳтимолий-статистик моделлар, универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ўрнини аниқлашнинг графо-аналитик усули,

саккиз каналли сервис системаси ҳолатларининг графи, системанинг нисбий ва абсолют хизмат кўрсатиш қобилиятларини аниқлашнинг статистик моделлари масаланинг илмий асосларини ташкил қилди ва қуйидаги амалий натижаларни олиш имкониятини берди:

- марказларининг рационал жойлашиш ўринлари асосланди: биринчи универсал сервис маркази – Оққўрғон туманидаги Эскиолимпкент кўрғони; иккинчи универсал сервис маркази – Паркент туманидаги Қирғизовул қишлоғи; биринчи “ТошкентКейссервис” маркази – Оққўрғон туманидаги Сувти қишлоғи; иккинчи “ТошкентКейссервис” маркази – Қибрай туманидаги Қибрай шаҳарчаси; “ТошкентКлаассервис” маркази – Оққўрғон туманидаги Олимпкент шаҳарчаси;

- универсал сервис маркази, “ТошкентКейссервис” ва “ТошкентКлаассервис” корхоналари доирасида фирмавий техник сервис пунктлари ташкил этиладиган туманларнинг таркиби аниқланди ва пунктларнинг жойлашиш масканлари таклиф этилди;

- стационар сервис корхонасининг технологик лойиҳаси танланди ва такомиллаштирилди, корхона таркибида тракторларга, комбайнларга ва пахта териш машиналарига ТХК участкаларини ҳамда умумий таъмирлаш устахонасини ташкил этиш тавсия этилди, мазкур объектларга ўрнатиладиган технологик қурилмалар ва ускуналарнинг турлари ва моделлари танланди;

- 316 та ғалла комбайнига далада ТС кўрсатувчи саккизта кўчма устахонанинг 100 фоиз бандлик даражаси 1 соат давомида 1,93 та талаб юзага келганда ва битта талабни қондиришга энг катта вақт – 4,14 соат сарфлаганда таъминланади. Талаблар сони соатига 1,93 тадан ошганда қўшимча устахонани ишга солиш лозим бўлади.

3. Битта талабни қондириш жараёнида кўчма устахона босиб ўтадиган йўл масофасини қисқариши ҳисобига олинadиган фойда миқдори: биринчи универсал сервис маркази бўйича – 103800 сўм; иккинчи “ТошкентКейссервис” маркази бўйича – 54000 сўм; “ТошкентКлаассервис” маркази бўйича 32100 сўм.

4. Универсал сервис маркази параметрларини асослаш ва ишлаш кўрсаткичларини баҳолашга доир таклиф этилган эҳтимолий-статистик моделлардан янги хизмат кўрсатиш корхоналарини назарий масалаларини ечишда фойдаланиш мумкин.

5. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагросервис” АЖ ва “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ томонидан техник сервис амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ва ишлашининг назарий-статистик асослари И.Каримов номли Тошкент давлат техника университетида техник сервис йўналиши бўйича ўқув жараёнига татбиқ этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

СЕЙТИМБЕТОВА ЗИБАХАН АБДИГАНИЕВНА

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАЦИОНАЛЬНОГО РАСПОЛОЖЕНИЯ
И РАБОТЫ УНИВЕРСАЛЬНОГО СЕРВИСНОГО ЦЕНТРА
(НА ПРИМЕРЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**05.07.02 – Эксплуатация, восстановление и ремонт
сельскохозяйственной и мелиоративной техники**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ГУЛЬБАХОП – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T.16.72.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.tiiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тошболтаев Махамад Тожалиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шамшетов Сарсенбай Нуратдинович
доктор технических наук, профессор

Толибаев Алписбай Ержанбаевич
кандидат технических наук, старший
научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный
технический университет
им. И. Каримова

Защита диссертации состоится «5» августа 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD. 05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 438). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: +99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «27» июля 2020 года
(Протокол рассылки № от 27.07. 2020 года)

1/2020



А.Тухтакузиев

Заместитель председателя научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Ибрагимов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

А.Тухтакузиев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике оказание технического сервиса (ТС) сложным сельскохозяйственным машинам, таким как трактор, комбайн, хлопкоуборочная машина является самостоятельной отраслью экономики развитых стран. В этих странах годовой оборот сервисных и дилерских предприятий, занимающихся ремонтом и техническим обслуживанием (ТО) машин в 3-5 раз выше чем суммарная стоимость новых машин, выпускаемых за год машиностроительными фирмами, компаниями. Потому что, фермеры, агрокластеры и другие товаропроизводители с целью поддержания технического состояния своих машин на высоком уровне дают заказы в сервисные центры до начала агротехнических сезонов.

Во многих странах ведутся научно-исследовательские и инновационные работы, направленные на повышение эффективности ТС. При этом выполнение целевых научных исследований по выбору рационального вида исполнителей ТС (сервисные и технические центры, дилерские пункты), обоснованию параметров их функционирования считаются актуальными вопросами. Возникает необходимость организации сервисных центров, отвечающих желаниям фермера, высокими темпами и качеством, а также низкими ценами услуг.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности предусмотрены задачи «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»¹. При выполнении этих задач, в том числе для «Широкого использования высокопроизводительной сельскохозяйственной техники» организация универсальных сервисных центров (УСЦ), оказывающих качественные услуги и зарубежным, и отечественным сложным машинам, их комплектация необходимыми материально-техническими средствами на основе таких критерий, как количество техники в каждой области республики и ее распределение в разрезе районов, максимальная быстрота сервиса, минимальная цена услуг является актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой» и ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы в отрасли сельскохозяйственного машиностроения», а также в других соответствующих нормативно-правовых документах.

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Исследованием по совершенствованию системы ТС в сельском хозяйстве, обоснованием её структуры и материально-технической базы, определением рационального числа и месторасположения, оценке экономической эффективности и формированию тенденций развития сервисных предприятий за рубежом занимались В.И.Черноиванов, П.В.Привалов, П.А.Андреев, В.М.Баутин, В.Ю.Грицык, А.Э.Северный, В.М.Михлин, Ю.М.Ельдештейн, В.В.Варнаков, А.В.Макаров, А.В.Горетый, Ю.А.Симарев, С.М.Бабусенко и другие.

В этом направлении в Узбекистане научно-исследовательские работы выполнены Ш.Шообидовым, К.Шариповым, К.Нуриевым, С.Шамшетовым, Р.Рустамовым, Н.Холиковой и другими учеными.

